

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/30.09.2020.Tib.123.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШОДИЕВА ГУЛЗОДА РАБИМКУЛОВНА

**ВИРУС ЭТИОЛОГИЯЛИ ЖИГАР ЦИРРОЗИНИНГ
ЖАДАЛЛАШУВИДА ИРСИЙ ОМИЛЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ ВА
ВИРУСГА ҚАРШИ ДАВОЛАШ САМАРАДОРЛИГИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарканд – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Шодиева Гулзода Рабимкуловна

Вирус этиологияли жигар циррозининг жадаллашувида ирсий
омилларнинг аҳамияти ва вирусга қарши даволаш самарадорлиги.... 3

Шодиева Гулзода Рабимкуловна

Вклад генетических факторов в прогрессировании цирроза печени
вирусной этиологии и прогноз эффективности противовирусной
терапии..... 25

Shodiyeva Gulzoda Rabimkulovna

The contribution of genetic factors to the progression of liver cirrhosis of
viral etiology and the prognosis of the effectiveness of antiviral therapy.. 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/30.09.2020.Tib.123.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШОДИЕВА ГУЛЗОДА РАБИМКУЛОВНА

**ВИРУС ЭТИОЛОГИЯЛИ ЖИГАР ЦИРРОЗИНИНГ
ЖАДАЛЛАШУВИДА ИРСИЙ ОМИЛЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ ВА
ВИРУСГА ҚАРШИ ДАВОЛАШ САМАРАДОРЛИГИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарканд – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/Tib1823 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.urgfiltma.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Зиядуллаев Шухрат Худойбердиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Нурбаев Фармон Эргашович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Рустамова Мамлакат Тулабаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.04/30.09.2020.Tib.123.01 рақамли илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 220100, Хоразм вилояти, Урганч ш., Ал-Хоразмий кўчаси, 28. Тел./факс: (+99862) 224-84-84), e-mail: ttaurgfil@umail.uz).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 220100, Хоразм вилояти, Урганч ш., Ал-Хоразмий кўчаси, 28. Тел./факс: (+99862) 224-84-84), e-mail: ttaurgfil@umail.uz.

Диссертация автореферати 2025 йил «___» ____куни тарқатилди.
(2025 йил «___» _____даги _____рақамли реестр баённомаси).

Р.Ю. Рузibaев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

З.Ф. Джуманиязова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Р.Б. Абдуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда сўнгги йилларда В, С вирусли гепатит ва уларнинг оқибатлари муҳим тиббий ва ижтимоий муаммо бўлиб қолмоқда. Касаллик оғир кечиши, беморлар ҳаёт сифатининг пасайиши ва ўлим ҳолатининг ортиши билан фарқланади. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти маълумотига кўра, 2019 йили «...58 млн инсонлар сурункали гепатит С ва 296 млн инсонлар сурункали В гепатит билан касалланган. Касалликнинг тарқалиши Осиё-Тинч океани ҳудудида яшовчи аҳоли ҳиссасига тўғри келмоқда. Сурункали вирусли гепатит С (СВГ) инфекцияси натижасида ривожланадиган жигар циррози (ЖЦ) ва саратони оқибатидан йилига 700 мингга яқин инсонлар вафот этмоқда»¹. «...15–30% беморларда касаллик беморнинг соғайиши билан яқунланади, 70–85% беморларда эса, жигарнинг ўртача гистологик ўзгаришига олиб келувчи сурункали инфекция ривожланади»². Сурункали вирусли гепатит В ва С шаклларида жигар циррози ривожланиши ва беморлар ўлимининг юқорилиги ўз навбатида, жигардаги морфологик ўзгаришларини эрта аниқлаш, молекуляр-генетик тадқиқотлар ўтказиш ва даволаш чора-тадбирларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Жаҳон миқёсида вирус этиологияли жигар циррозини эрта даврларда ташхислаш, касаллик оқибатида вужудга келадиган асоратларни олдини олиш, даво усуллари оптималлаштириш ва профилактикасига йўналтирилган илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада HBV, HCV вирус этиологияли жигар циррозининг вужудга келиши ва ривожланиш хавфи омиллари, беморларда иммун тизим цитокинлари миқдори, турли цитокин генларининг молекуляр-генетик полиморфизми, жигар фиброзини эрта ташхислаш, ҳамда фармакогенетик даволаш тадбирларини амалга ошириш мутахассисларнинг олдида турган долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда сурункали вирусли гепатитлар оқибатида вужудга келган жигар циррози ва уларнинг асоратларини олдини олишга йўналтирилган ва эрта ташхислашга қаратилган бир қатор тадбирлар олиб борилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш»³ каби вазифалар белгиланган. Ҳозирги даврда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, вирусли касалликларнинг тарқалиш даражаси, ривожланишига таъсир қилувчи омилларнинг янги жиҳатларини аниқлаш ва даволашнинг юқори самарали замонавий усуллари ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

¹World Health Organization website, 2019., <http://www.who.int/healthinfostatistics>

²Fumio Imazeki et. al., 2022

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 майдаги ПҚ 243-сон «2022 - 2025 йилларда айрим долзарб вирусли инфекциялар тарқалишига қарши курашиш чора-тадбирларини такомиллаштириш бўйича» ва 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6610-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Ҳозирги даврда жаҳон миқёсида вирус этиологияли ЖЦ ривожланишини башоратлашнинг иммуногенетик мезонлари ва вирусга қарши даволашнинг қуйидаги устувор йўналишларида жумладан, сурункали гепатитларни эрта ташхислаш, клиник кечиши ва касалликнинг оқибатини аниқлаш, жигар фибрози келиб чиқиши хавф омилларини аниқлаш, сурункали вирусли жигар касалликларини ташхислашда биокимёвий ва иммунологик маркерларини аниқлаш, ЖЦда даволаш тактикасини танлаш ва замонавий иммунотерапия усулини клиник амалиётга жорий этиш, фармакогенетик терапия амалиётини тадбиқ қилиш ва шу билан беморларни ҳаёт сифатини яхшилаш, молекуляр-генетик ташхислаш ва даволаш усуллари танлашга бўлган ёндашувларни такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Организмда иммун омиллар HBV ва HCV инфекциясининг кечишида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, цитокинлар яллиғланиш жараёнида асосий ўрин тутadi. Сурункали вирусли гепатитларда цитокин иммун тизими бошқарилишининг бузилиши кузатилиб, яллиғланиш олди цитокинларининг ортиши ва жигар тўқимасининг персистик яллиғланиши кузатилади. Сурункали HBV инфекциясининг мавжудлиги, вирусларнинг доимий репликациясига сабаб бўлади ва жигар тўқимасининг зарарланиши ҳамда ЖЦ авж олишига олиб келади.

Хитой олимларидан Li X. ва ҳаммуаллифларнинг илмий ишларида (2016) сурункали гепатит В инфекциясида ва ЖЦда цитокинларнинг ўзгариши чуқур ўрганилган. Хитой олимларидан Jian Ge ва ҳаммуаллифлар томонидан (2015) хитой аҳолиси орасида IL-17A G197A гени ҳамда IL-17F A7488G гени полиморфизмининг HBV этиологияли ЖЦ ривожланишида аҳамияти ўрганилган. Ушбу илмий тадқиқотда IL-17A G197A (rs2275913) генининг AA генотиби GG генотипига нисбатан ЖЦ ривожланишининг хавфини оширувчи эканлиги аниқланди. Шунингдек, ушбу генотипнинг А аллели ташувчиларда, G аллелини ташувчиларга нисбатан ЖЦ ривожланиш хавфи юқори эканлиги аниқланган. Хитойлик олим Jin ва ҳаммуаллифлар (2014) ўз илмий

тадқиқотларида IL-10-592 A/C гени полиморфизми жигар циррози ривожланиш хавфини ошириши мумкинлигини аниқлаган. Бир қатор илмий тадқиқотларда HBV ва HCV этиологияли жигар циррозининг авж олишида IL 17 А цитокининг аҳамияти ўрганилган (Раquissi F.C. 2017 ва ҳаммуаллифлар). Олимларнинг илмий изланишларида HBV этиологияли ЖЦ билан хасталанганлар қон зардобиди IL-17 миқдори сурункали гепатит В беморларга нисбатан сезиларли ортганлиги аниқланган ва IL-17 цитокинининг ЖЦ ривожланишида муҳим аҳамиятга эга эканлиги ўрганилган (Du W.J. ва ҳаммуаллифлар 2013).

Илмий адабиётларда яллиғланишга қарши цитокинларнинг ортиши кўрсатилган бўлса, баъзи илмий изланишларда уларнинг камайиши аниқланган (Масалова О.В. ҳаммуаллифлар, 2010; Yu G.U. et al., 2012; Пермакова К.Ю. ҳаммуаллифлар, 2015).

Республикамизда жигар циррозига оид муаммоларга бағишланган кўпгина илмий тадқиқотлар ўтказилган. Жумладан, Эгамова И.Н. (2019) жигар циррозини ташхислаш, клиник кечиши хусусиятларини таҳлил қилиб, касаллик белгиларини эрта аниқлаш мезонлари ва дифференциал даволаш тизимини такомиллаштириш масалаларини ёритган. Нурбоев Ф.Э. (2018) сурункали жигар касалликларида фармакотерапия ва гепатопротекторлар фармакоэпидемиологияси тўғрисида илмий тадқиқот олиб борган.

Цитокинларнинг гепатоцитлар апоптозидаги ўрни бир қатор илмий изланишларда ўрганилган, бироқ жигар фибрози ва циррози ривожланишида ирсий омиллар билан боғлиқлиги тўлиқ ўрганилмаган (PashaHetal., 2013; Левданский О.Д. ва ҳаммуаллифлар, 2016). Кўплаб илмий тадқиқотларда сурункали вирусли гепатитларда организмда иммун жавобнинг шаклланишида ген тизими ва вирусларга қарши даволаш самарадорлиги ўрганилишига қарамай, жуда кам сонли генлар полиморфизми тўғрисида ишончли маълумот олинган.

Илмий изланишларда турлича натижалар келтирилган бўлиб, улар бир қатор омилларга, яъни беморларнинг таққослаш гуруҳига, даволаш схемасига ва беморларнинг этник келиб чиқишига боғлиқ ҳисобланади. Таъкидлаш лозимки, сурункали вирусли гепатит билан хасталанганларда нуклеотид тизимига боғлиқ ҳолда шахсга йўналтирилган ёндашув ва вирусларга қарши даволаш самарадорлиги тўғрисида илмий изланиш жуда кам.

Ҳозирги вақтда геном бўйича ассоциация тадқиқотларида (GWAS) патофизиологик механизмларни тушунтириш билан бирга, сурункали гепатит В ва С ни даволашда муҳим аҳамиятга эга булган генетик вариантларни ўрганмоқда. 2009-2010 йилларда геном бўйича ассоциация GWAS тадқиқотларида IL-28B (rs12979860) генининг нуклеотид полиморфизми ва вирусларга қарши даволаш ўртасида боғлиқлик ҳақида илмий тадқиқот ўтказилган (Thomas D.L. ва б., 2009; Rauch A. ва б., 2010; Новицкий В.В. ва б., 2011; Худайберганова Д.М. ва б., 2014). Ушбу диссертация тадқиқоти организмда сурункали вирусли гепатитларнинг ЖЦга ўтишида яллиғланиш жараёнини иммунопатогенези қонуниятлари ва ирсий механизмларнинг иммун жавобда аҳамияти, ҳамда беморларнинг ирсий хусусиятларига боғлиқ бўлган

вирусларга қарши даволаш самарадорлигини ўрганишга йўналтирилган.

Илмий тадқиқотнинг долзарблиги, ушбу соҳада мақсадга йўналтирилган чуқур тадқиқот ўтказишни белгилайди, ҳамда касаллик патогенезининг иммунологик ва генетик механизмларининг фундаментал моҳиятини тушунишга ёрдам беради. Шунга асосланиб, беморларни даволаш ва профилактик чораларини ишлаб чиқиш, башорат қилиш, оптималлаштириш ва даволаш самарадорлигини ошириш лозим.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 012000260-сонли «Юқумли ва ижтимоий аҳамиятга эга юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш, диагностика қилиш ва даволашнинг илғор технологияларини ишлаб чиқиш» (2021-2025 й.) лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади вирусга қарши даволаш самарадорлигини ошириш мақсадида вирус этиологияли жигар циррозининг молекуляр-генетик диагностикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

Самарқанд вилояти ҳудудида яшовчиларда вирус этиологияли жигар циррозининг кечиш хусусиятларини ўрганиш;

гепатит В ва С вируслари келтириб чиқараган жигар циррозида IL-17A ва IL-10 цитокинларини ишлаб чиқарилишини баҳолаш;

ўзбек популяциясида HBV, HCV вирус этиологияли ЖЦ билан хасталанганларда IL-17A гени полиморф локуси генотиплари ва аллеллари частоталарининг тақсимланишини ўрганиш;

вирусга қарши дори воситаларига фармакологик жавобнинг ўзгарувчанлиги билан боғлиқ фармакогенетик белгиларни аниқлаш ва шахснинг генетик хусусиятларидан келиб чиқиб, вирус этиологияли жигар циррозини ташхислаш ва даволашнинг янги схемаларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида 2021-2024 йилларда Самарқанд Давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси терапия бўлими, Самарқанд вилоят юқумли касалликлар шифохонаси Гепатология бўлимида даволанган сурункали вирусли гепатит В ва С оқибатида юзага келган жигар циррози билан назоратда бўлган 100 нафар беморлар ва 95 нафар амалий соғлом шахслар олинди.

Тадқиқот предмети сифатида беморлар веноз қони ва зардобини гематологик, биокимёвий ва иммуногенетик тадқиқотлар учун олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда умумклиник, биокимёвий, инструментал, иммуногенетик ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

Самарқанд вилоятида вирус этиологияли ЖЦ билан хасталанганларда касалликнинг жадаллашувига ва вирусга қарши даволаш самарадорлигига таъсир этувчи касаллик кечишининг ҳудудий хусусиятлари (беморлар орасида аёлларнинг устунлиги, ЖЦнинг ўрта оғир даражаси) аниқланган;

илк бор сурункали гепатит В ва С вируслари келтириб чиқарган жигар циррозида уларнинг патогенетик ўрнини баҳолаш ва касалликнинг кечишини тахмин қилиш имконини берувчи IL-17A ва IL-10 цитокинлари ҳосил бўлишининг миқдорий ва сифат хусусиятлари ўрганилган;

илк бор вирус этиологияли жигар циррози билан хасталанганларда касаллик оғирлигининг генетик предикторлари исботланган. IL-17 A G197A (rs2275913) гени полиморф локуси генотиплари ва аллеллари частотаси тақсимотининг таҳлили ўтказилган;

вирус этиологияли жигар циррозини даволашда индивидуал ёндашув зарурлигини тасдиқловчи, замонавий вирусларга қарши дори воситаларининг самарадорлигига таъсир қилувчи фармакогенетик кўрсаткичлар аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Илк бор HBV ва HCV этиологияли жигар циррозини башоратлаш ва фиброз босқичларини аниқлашнинг янги ёндашувлари ишлаб чиқилган;

илк бор HBV ва HCV этиологияли жигар циррози билан хасталанганларда жигар циррозлари ривожланишида иммунитетнинг яллиғланишга хос IL-17A ва IL-10 цитокинлари ҳосил бўлишининг миқдорий ва сифат хусусиятлари аниқланган, бу уларнинг патогенетик ўрнини баҳолаш ва касалликнинг кечишини тахмин қилиш имконини берган;

илк бор HBV ва HCV этиологияли жигар циррози билан беморларда жигар циррозлари ривожланишида IL-17 A (G-197A) генларининг (rs 2275913) полиморф вариантлари аллел ва генотиплари учраши даражасини аниқлаш асосланган;

илк бор HBV ва HCV этиологияли жигар циррози билан хасталанганларни вирусга қарши дифференциал даволаш фармакогенетикага асосланган тактикаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, умумклиник, инструментал, биокимёвий, иммуногенетик ва статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти илк бор вирус этиологияли жигар циррозининг кечишига таъсир этувчи молекуляр-генетик омилларнинг комплекс таҳлили ўтказилганлиги, касалликнинг патогенезини чуқурроқ тушуниш имконини бериши, IL-17A ва IL-10 цитокинларининг ишлаб чиқарилиш хусусиятларини аниқланганлиги, уларнинг яллиғланиш ва фибротик жараёнлардаги ўрни очиб берилганлиги, ЖЦ билан беморларда IL-17A генининг полиморф локуси генотипи ва аллелларининг тақсимланиши ўрганилганлиги, касалликнинг оғирлиги даражасида ва даволанишга жавоб беришда генетик предикторларни аниқлашга ёрдам бериши, замонавий

вирусларга қарши дори воситаларига индивидуал сезгирлик билан боғлиқ фармакогенетик белгилар аниқланганлиги, натижада индивидуаллаштирилган даволаш учун янги имкониятларни очиб бериши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти вирус этиологияли жигар циррози ташхисоти учун молекуляр-генетик мезонларни ишлаб чиқилганлиги, беморларни касалликнинг салбий кечиши хавфи бўйича гуруҳлаш ва даволаш услубини индивидуаллаштириш имконини берганлиги, муҳим цитокинларнинг миқдори ва генетик белгиларини таҳлил қилиш асосида вирусларга қарши даво самарадорлигини таъминловчи даволаш схемалари таклиф этилганлиги орқали даво сифатини ошириши, асоратларнинг ривожланиш эҳтимолини камайтириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Вирус этиологияли жигар циррозининг жадаллашувида ирсий омилларнинг аҳамияти ва вирусга қарши даволаш самарадорлиги ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: Самарқанд вилоятида вирус этиологияли ЖЦ билан хасталанганларда касалликнинг жадаллашувига ва вирусга қарши даволаш самарадорлигига таъсир этувчи касаллик кечишининг ҳудудий хусусиятлари (беморлар орасида аёлларнинг устунлиги, ЖЦнинг ўрта оғир даражаси) аниқланганлиги соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Жиззах вилояти Юқумли касалликлар шифохонасининг Гепатология бўлими (2024 йил 23 июлдаги 20-сонли буйруқ) ва Сирдарё вилояти Юқумли касалликлар шифохонасининг Гепатология бўлими (2024 йил 23 августдаги 53-сонли буйруқ) амалиётига жорий этилган. Ижтимоий самарадорлиги: жигар циррози кечиши ташхисотининг яхшиланиши туфайли аҳоли ўртасида ногиронлик ва ўлим даражасини пасайтириш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшиланиши ҳамда вирусли гепатитлар тарқалишини камайтириш имконини берди. Иқтисодий самарадорлик: эрта ташхис қўйиш ва асоратларини олдини олиш туфайли беморларнинг шифохонага ётқизиши сони камайди, ҳамда интенсив даволаш учун ҳаражатларнинг камайиши орқали соғлиқни сақлаш тизимига молиявий харажатлар пасайди. Хулоса: жигар циррози кечишининг ҳудудий хусусиятларини аниқлаш, беморларнинг касалхонага ётқизишлар сонини йилига 10% га камайтирди. Ҳар бир бемор учун касалхонага ётқизиш сонини қисқартириш ҳисобига потенциал тежамкорлик 750 000 сўмни ташкил қилди.

иккинчи илмий янгилик: илк бор сурункали гепатит В ва С вируслари келтириб чиқарган жигар циррозида уларнинг патогенетик ўрнини баҳолаш ва касалликнинг кечишини тахмин қилиш имконини берувчи IL-17A ва IL-10 цитокинлари ҳосил бўлишининг миқдорий ва сифат хусусиятлари ўрганилганлиги Жиззах вилояти Юқумли касалликлар шифохонаси Гепатология бўлими бўйича 23.07.2024 йилдаги 20-сонли ва Сирдарё вилояти Юқумли касалликлар шифохонаси Гепатология бўлими бўйича 23.08.2024 йилдаги 53-сонли буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2025 йил 8

апрелдаги 000078-сон маълумотномаси). Ижтимоий самарадорлиги: цитокин профилини ҳисобга олган ҳолда даволаш жараёнини оптималлаштириш туфайли вирусга қарши даволаш самарадорлиги ошди, шунингдек асоратлар сони камайди ва беморларнинг ҳаёт сифати яхшиланди. Иқтисодий самарадорлик: Узоқ муддатли симптоматик даволанишга бўлган эҳтиёжнинг камайиши, меҳнатга лаёқатсиз кунлар сонининг қисқариши ва беморларни реабилитация қилишга сарфланган харажатларни камайтириш орқали умумий тиббий ва ижтимоий харажатларнинг камайишига эришилган. IL-17A ва IL-10 цитокинларини ўрганиш туфайли оғир ҳолатларнинг учраши 5% га камайди ва касалликнинг оқибати яхшиланди. Жигар циррозининг оғир ҳолатлари камайиши ҳисобига ҳар бир бемор учун потенциал тежамкорлик йилига 750 000 сўмни ташкил этди. Хулоса: IL-17A ва IL-10 цитокинларни ўрганиш натижасида гепатит В ва С вируслари келтириб чиқарган жигар циррозида уларнинг миқдори сезиларли даражада ўзгарганлиги аниқланди, бу уларнинг касаллик патогенезида асосий ўрин тутишини кўрсатди.

учинчи илмий янгилик: илк бор вирус этиологияли жигар циррози билан хасталанганларда касаллик оғирлигининг генетик предикторлари исботланганлиги, IL-17 A G197A (rs2275913) гени полиморф локуси генотиплари ва аллеллари частотаси тақсимотининг таҳлили ўтказилганлиги асосида «Вирус этиологияли жигар циррозининг жадаллашувида ирсий омилларнинг аҳамияти ва вирусга қарши даволаш самарадорлиги» мавзусидаги услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (СамДТУ экстртперт кенгаши 21.02.2024 йил 28- сонли баённомаси) ва тасдиқланган. Мазкур услубий тавсиянома Жиззах вилояти Юқумли касалликлар шифохонаси Гепатология бўлими бўйича 23.07.2024 йилдаги 20-сонли ва Сирдарё вилояти Юқумли касалликлар шифохонаси Гепатология бўлими бўйича 23.08.2024 йилдаги 53-сонли буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (ССВ ҳузуридаги ИТКнинг 2025 йил 8 апрелдаги 000078-сон маълумотномаси). Ижтимоий самарадорлиги: генетик тестлаш жигар циррозининг салбий кечиш хавфи юқори бўлган беморларни аниқлашга ҳамда эрта тиббий аралашув ва даволашга индивидуал ёндашувни амалга ошириш имконини берди. Иқтисодий самарадорлик: самарасиз даволашга сарфланган харажатларни камайтириш ва асоратларни (жигар етишмовчилиги ва гепатоцеллюляр карцинома каби) олдини олиш туфайли соғлиқни сақлаш тизими ва ижтимоий соҳада молиявий харажатларнинг камайишига эришилди. IL-17A полиморфизмининг генетик таҳлили – беморларнинг 15%да даволашнинг самарасизлигини олдини олади. Касалликнинг ривожланишини эрта прогнозлаш ҳисобига ҳар бир бемор учун потенциал тежамкорлик йилига 1 200 000 сўмни ташкил этади. Хулоса: IL-17A гени полиморф локусининг генотипи ва аллеллари частоталари бўйича ўтказилган таҳлиллар натижасида маълум генетик вариантлар ва цирроз жараёнининг оғирлиги ўртасидаги боғлиқлик мавжудлигини, ҳамда касалликнинг салбий кечишига мойиллигини аниқлаш имконини берди.

тўртинчи илмий янгилик: вирус этиологияли жигар циррозини даволашда индивидуал ёндашув зарурлигини тасдиқловчи, замонавий

вирусларга қарши дори воситаларининг самарадорлигига таъсир қилувчи фармакогенетик кўрсаткичлар аниқланганлиги Жиззах вилояти Юқумли касалликлар шифохонаси Гепатология бўлими бўйича 23.07.2024 йилдаги 20-сонли ва Сирдарё вилояти Юқумли касалликлар шифохонаси Гепатология бўлими бўйича 23.08.2024 йилдаги 53-сонли буйруқлари билан амалиётига жорий этилган. Ижтимоий самарадорлиги: медикаментоз даволашнинг индивидуаллаштирилган танлови туфайли дори воситасининг ножўя таъсири камайишига эришилади, беморнинг даволанишга тўлиқ жалб қилинганлиги ва даволаш муваффақиятини оширади, касалликнинг прогнозини яхшилайти. Иқтисодий самарадорлик: вирусга қарши даволанишни оптималлаштириш туфайли самарасиз дори воситаларига сарфланадиган харажатлардан воз кечиш, ҳамда асоратларни даволаш учун сарфланган харажатларни камайтиришга ва беморларнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлиги билан боғлиқ иқтисодий йўқотишларни қисқартиришга ёрдам берди. Индивидуаллаштирилган даволаш учун фармакогенетик белгиларни аниқлаш харажатларни 20% га камайтирди ва даво чораларини оптималлаштирди. Шахсийлаштирилган даволаниш туфайли ҳар бир бемор учун потенциал тежамкорлик йилига 1 600 000 сўмни ташкил қилади. Хулоса: замонавий вирусларга қарши дори воситаларининг самарадорлигига таъсир қилувчи фармакогенетик кўрсаткичлар аниқланди, бу вирус этиологияли жигар циррозини даволашда индивидуал ёндашув зарурлигини тасдиқлайди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та илмий-амалий конференцияларда, жумладан 1 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг мавзуси бўйича 21 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тасдиқланган, фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, 8 таси Республика ва 2 таси хорижий журналида чоп этилган, 4 та тезис чоп этилган, 2 та услубий тавсияномалар нашр этирилган, 5 та ЭҲМ дастур яратилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 100 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, мақсад ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объект ва предметлари ифодаланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «HBV ва HCV вирус этиологияли жигар циррозининг эпидемиологияси, диагностикаси ва муаммолар ечимидаги замонавий қарашлар (адабиётлар шарҳи)» деб номланган биринчи бобида замонавий илмий адабиёт манбаларининг таҳлилий шарҳи келтирилган, унда ўрганилаётган муаммо бўйича масаланинг ҳозирги ҳолати ҳақидаги фикрлар таҳлил қилинган. Муаммоларнинг замонавий тасвири таҳлил қилинган ҳолда, вирусли жигар циррозлари ривожланишини, иммуногенетик мезонлари ва вирусга қарши даволашнинг клиник, лаборатория ва иммунологик асосларига замонавий қарашлар келтирилган, шунингдек, ушбу муаммонинг ечилмаган жиҳатлари аниқланган.

Диссертациянинг «Текширилган беморларнинг умумий тавсифи ва фойдаланилган тадқиқот усуллари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари ва усуллари тавсифланган. Ушбу боб диссертациянинг асосини ташкил этган, тадқиқотлар келтирилган ва дастлабки тадқиқотлардан мантиқан давомийлиги сифатида олинган.

Ушбу тадқиқот 2021-2024 йилларда Самарқанд Давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси терапия бўлими, Самарқанд вилоят юқумли касалликлар клиник шифохонаси гепатология бўлимида бажарилган. HBV ва HCV вирус этиологияли жигар циррози (ЖЦ) билан хасталанган 100 нафар беморлар кузатув остида бўлди. Илмий тадқиқотга киритилган текширилган беморларнинг ёши 31 ёшдан 66 ёшгача бўлди ва ўртача $47,68 \pm 1,15$ ёшни ташкил этди. ЖЦ мавжуд беморларнинг аксарияти аёллар бўлиб, улар 71 нафар (71%), эркаклар эса 29 нафар (29 %) кишини ташкил этди. Асосий гуруҳдаги жами беморлар ЖЦ клиник ташхиси бўйича 2 гуруҳга бўлинди. 1 гуруҳга HBV этиологияли ЖЦ билан хасталанган 58 та (58 %) бемор, иккинчи гуруҳга 42 та беморни (42 %) ташкил этди.

Беморларнинг барчаси Чайлд-Пью синфлари бўйича баҳоланиб, HBV этиологияли ЖЦ 58 нафар ва HCV этиологияли ЖЦ 42 нафар беморни қамраб олди. HBV этиологияли ЖЦ билан беморларнинг 5 (8,6%) нафари – Чайлд-Пью бўйича А синф, беморларнинг 47 (81%) нафари В синф, 6 (10,4%) нафари С синф аниқланди. HCV этиологияли ЖЦ билан хасталанганларнинг 9 (21,4%) нафарида Чайлд-Пью бўйича А синф, 28 (66,7%) беморда В синф аниқланди, 5 (11,9%) нафар беморда ЖЦ Чайлд-Пью бўйича С синф аниқланди. HBV ва HCV этиологияли ЖЦ беморлар аксарият қисми, яъни 47 (81 %) ва 28 (66,7 %) нафари Чайлд-Пью бўйича В синфга тўғри келди (1-жадвал).

1-жадвал

Беморларнинг жигар циррози Чайльд-Пью бўйича синфларга тақсимланиши:

Чайлд-Пью бўйича синфи	ЖЦ этиологик таснифи	
	HBV ЖЦ	HCV ЖЦ
А	5 (8,6%)	9 (21,4%)

В	47 (81%)	28 (66,7%)
С	6 (10,4%)	5 (11,9%)

ЖЦ билан касалланган беморларни комплекс текшириш умумий қабул қилинган лаборатор ва инструментал ташхисот усуллари ўз ичига олган: беморлар органлари ва тизимларини клиник текшириш, умумий клиник қон ва сийдик таҳлиллари, биокимёвий қон таҳлили, вирусли гепатитлар маркерларига қонни ИФТ усулида текшириш, HBV, HCV вируслари генетик материални сифатий ва миқдорий баҳолаш учун ПЗР ёрдамида қонни текшириш, HCVни генотиплаш, цитокин ҳолатини ўрганиш (IL17 A, IL10), ЖЦ билан касалланган беморларда IL17 A G179 A (rs2275913) генларнинг ягона нуклеотид полиморфизмларини (ЯНП) молекуляр-генетик аниқлаш, портал тизим томирларининг доплерографияси билан қорин бўшлиғи органларининг ультратовуш текшируви ўтказилди.

Олинган маълумотларга Pentium-IV шахсий компютерида статистик қайта ишлаш учун амалий дастурлар пакетига эга «Microsoft Excel» 2013 дастурий пакети ёрдамида “Маълумотлар таҳлили”, “Тавсифий статистика” бўлими билан қайта ишланди. Олинган маълумотларни статистик қайта ишлаш қуйидаги параметрларни ҳисоблаш орқали олиб борилди: Ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўртача арифметик қийматини (М), стандарт оғиш (G), ўртача стандарт хато (m), нисбий қийматларни (частота%) ҳисоблашда вариатцион параметрик ва параметрик бўлмаган статистика усуллари қўлланилди. ўртача қийматларни таққослашда олинган ўлчовларнинг статистик аҳамияти тақсимотнинг нормаллигини текширишда хатолик эҳтимолини (P) ҳисоблаш билан Студент мезони (t) билан аниқланди. Муҳимлик даражаси $P < 0,05$ статистик аҳамиятга эга узгаришлар сифатида қабул қилинди.

Диссертациянинг «**HBV ва HCV вирус этиологияли жигар циррози билан хасталанганларда тадқиқот натижалари**» деб номланган учинчи бобида жигар циррози билан касалланган беморларнинг комплекс клиник, лаборатор, инструментал текшириш натижалари келтирилган.

Тадқиқотда вирус этиологияли ЖЦ ташхиси қўйилган 100 нафар бемор қамраб олинди, уларнинг 71 (71%) нафари аёл жинсида ва 29 (29 %) нафари эркак жинсига мансуб. Беморларнинг кўп қисми аёл жинсига тўғри келди. Беморларни ЖССТ нинг ёш бўйича таснифига кўра таҳлил қилинганда: эркакларнинг аксарият қисми 11 нафари 30-39 ёш гуруҳида, аёлларнинг 23 нафари 40-49 ёш гуруҳида эди. Эркакларнинг ўртача ёши $40,7 \pm 1,59$ ёш, аёлларнинг ўртача ёши $48,4 \pm 2,16$ тўғри келади.

Илмий тадқиқотимизда қатнашган беморларда асосан қуйидаги шикоятлар кўп учради, яъни ўнг қовурға ёйи остида оғрик, терининг қичиши, умумий дармонсизлик, иштаханнинг пасайиши, кўнгил айниши кузатилди (2-жадвал).

**Жигар циррози этиологик таснифи бўйича беморларнинг
шикоятлари:**

Шикоятлари	HBV ЖЦ	HCV ЖЦ	P
Умумий дармонсизлик	47 (81 %)	34 (80,9%)	P>0,05
Бош оғриғи	33 (56,9%)	15 (35,7%) ^{**}	P<0,01
Кўнгил айланиши	35 (60,3%)	31 (73,8%)	P>0,05
Иштаҳанинг пасайиши	48 (82,7%)	35 (83,3%)	P>0,05
Ўнг қовурға ёйи остида оғриқ	56 (96,5%)	36 (85,7%)	P>0,05
Таъсирчанлик	21 (36,2 %)	17 (40,5%)	P>0,05
Хотира пасайиши	16 (27,6%)	8 (19%)	P>0,05
Милк қонаши ва бурундан қон кетиши	17 (29,3 %)	9 (21,4%)	P>0,05
Тери қичиши	56 (96,5%)	36 (85,7%)	P>0,05

*Изоҳ: * - Гуруҳлар орасида статистик ишончли фарклар даражаси (*-P<0,05; **-P<0,01; ***- P<0,001).*

HBV вирус этиологияли ЖЦ билан беморларнинг асосий шикоятларидан: 56 (96,5%) беморда ўнг қовурға ёйи остида оғриқ, 56 (96,5%) ҳолатда терининг қичиши, 48 (82,7%) иштаҳанинг пасайиши, 47 (81 %) умумий дармонсизлик, 35 (60,3 %) кўнгил айланиши, 33 (56,9%) ҳолатда бош оғриғи кузатилди. Ушбу беморларда юқоридаги шикоятлардан ташқари 21 (36,2 %) нафар беморда таъсирчанлик, 16 (27,6%) ҳолатда хотиранинг пасайиши ва 17 (29,3 %) нафар беморда милкнинг қонаши ва бурундан қон кетиши шикоятлари кузатилди. HCV вирус этиологияли ЖЦ билан беморларда 36 (85,7%) ўнг қовурға ёйи остида оғриқ, 36 (85,7%) тери қичиши, 35 (83,3%) иштаҳанинг пасайиши, 34 (80,9%) умумий дармонсизлик, 31 (73,8%) кўнгил айланиши, 17 (40,5%) ҳолатда таъсирчанлик, 15 (35,7%) бош оғриғи кузатилди. Бундан ташқари беморларда 9 (21,4%) милк қонаши ва

бурундан қон кетиши, 8 (19%) хотиранинг пасайиши кузатилди. Ушбу шикоятларнинг мавжудлиги касалликнинг оғирлик даражаси ва клиник лаборатор, инструментал диагностик кўрсаткичларнинг ўзгаришига узвий боғлиқдир.

HBV ЖЦ билан хасталанганларда даволанишгача цитокинлар ҳолати хусусиятлари таҳлил этилганда вирусли гепатит В (HBV) сурункали инфекцияни чакирувчи инфекцион омил бўлиб, беморларни турли даражада зарарланишига олиб келади. Бемор организмнинг вирусларга қарши иммун жавоб реакцияси иммун тизимда ўзгаришлар бўлишига олиб келади ва жигар дисфункцияси ва тўқималарнинг шикастланиши билан кечади. Яллиғланиш олди цитокинлари вирусли инфекция ривожланишининг эрта босқичларида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, специфик иммун жавоб реакциясининг эффектор босқичида иштирок этади ва шунинг учун иммунологик тадқиқотнинг биринчи босқичида HBV ЖЦ беморларда қон зардобиди IL-17A миқдори аниқланди (3-жадвал).

3-жадвал

HBV этиологияли жигар циррози билан беморларда IL-17 A нинг қон зардобидаги миқдори

Кўрсаткич	M±m, пг/мл	Me [Q1; Q3]	Min, пг/мл	Max, пг/мл
Назорат гуруҳи, n=28				
IL-17A	17,59±1,35	17,45 [12,12; 23,60]	5,9	31,4
HBV этиологияли ЖЦ, n=40				
IL-17A	114,56±6,10***	106,50 [80,92; 152,85]	56,9	183,2

*Изоҳ: * - назорат гуруҳ маълумотлари билан таққослаганда ишончли фарқ (* - $p<0,05$, ** - $p<0,01$, *** - $p<0,001$). Me – медиана, Q1 (процентил) – 25%, Q3 (процентил) – 75%.*

Тадқиқотда олинган натижаларга кўра, IL-17A нинг қон зардобидаги миқдори текширилган беморларда ишончли даражада ошган. Олинган маълумотларни таҳлил қилганимизда IL-17A яллиғланиш олди цитокининг иммунологик ўзгариши 6,5 баробар ошган бўлиб, ўртача 114,56±6,10 пг/мл миқдорда натижа аниқланди. Индивидуал ўзгариши 56,9 дан 183,2 пг/млни ташкил этиб, назорат гуруҳида бу кўрсаткич 17,59±1,35 пг/мл ($p<0,001$) ни ташкил этди.

IL-10 турли иммун функцияларни, яъни антиген презентациясини, цитокин ишлаб чиқариш, макрофаглар фаоллашуви ва антиген специфик Т-хужайралар пролиферациясини ингибирлайди. IL-10 антиген

презентацияловчи хужайраларнинг функцияларига қаршилиқ қилади, яъни антигенспецифик Т-хужайралар пролиферациясини пасайтиради.

HBV этиологияли ЖЦ билан беморларнинг қон зардобиди ИЛ-10 миқдори кўрсаткичлари 4- жадвалда келтирилган.

4-жадвал

HBV этиологияли ЖЦ билан беморларнинг қон зардобиди ИЛ-10 миқдори кўрсаткичлари

Кўрсаткич	$M \pm m$, пг/мл	Me [Q1; Q3]	Min, пг/мл	Max, пг/мл
Назорат гуруҳи, n=28				
IL-10	11,28±0,46	10,70 [9,47; 13,12]	7,7	17,1
HBV ЖЦ, n=40				
IL-10	43,74±1,54***	41,9 [35,85; 51,55]	28,7	59,9

Изоҳ: * - назорат гуруҳ маълумотлари билан таққослаганда ишончли фарқ (* - $p < 0,05$, ** - $p < 0,01$, *** - $p < 0,001$). Me – медиана, Q1 (процентил) – 25%, Q3 (процентил) – 75%.

Илмий тадқиқотимизда олинган натижаларга кўра, IL-10 миқдорининг 3,8 марта сезиларли даражада ошган қийматни аниқланиб, ўртача кўрсаткич $43,74 \pm 1,54$ пг/мл, индивидуал ўзгариш диапазони 28,70 дан 59,90 пг / мл гача, назорат гуруҳида бу кўрсаткич $11,28 \pm 0,46$ пг / мл ни ташкил этди ($p < 0,001$).

HCV этиологияли жигар циррози билан хасталанганларда даволашга қадар цитокин статусининг ўзгариши хусусиятлари ўрганилганда беморларда ва соғлом кишиларда аниқланган таҳлил натижаларига кўра IL-17A миқдорида сезиларли фарқлар аниқланди (5- жадвал).

5-жадвал

HCV ЖЦ билан хасталанганларда қон зардобиди интерлейкин -17 A миқдори кўрсаткичлари

Кўрсаткич	$M \pm m$, пг/мл	Me [Q1; Q3]	Min, пг/мл	Max, пг/мл
Назорат гуруҳи, n=28				
IL-17A	17,59±1,35	17,45 [12,12; 23,60]	5,9	31,4
HCV этиологияли ЖЦ, n=32				
IL-17A	96,61±3,53***	96,75 [82,52; 110,35]	59,8	137,3

Изоҳ: * - назорат гуруҳ маълумотлари билан таққослаганда ишончли фарқ. (* - $p < 0,05$, ** - $p < 0,01$, *** - $p < 0,001$). Me – медиана, Q1(процентил) – 25%, Q3 (процентил) – 75%.

Олинган натижаларнинг 5-жадвалдаги таҳлилига асосан, деярли 5,5 баробар сезиларли даражада ошган қийматлар аниқланди. HCV этиологияли ЖЦ беморларда IL-17 Анинг зардобдаги миқдори ўртача $96,61 \pm 3,53$ пг/мл ни ташкил этди, индивидуал диапазон 59,8 дан 137,8 пг / мл гача бўлиб, назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич $17,59 \pm 1,35$ пг / мл ни ташкил этди ($p < 0,001$).

6-жадвал

HCV этиологияли ЖЦ билан хасталанганларда Интерлейкин-10 миқдори

Кўрсаткич	$M \pm m$, пг/мл	Me [Q1; Q3]	Min, пг/мл	Max, Пг/мл
Назорат гуруҳи, n=28				
IL-10	$11,28 \pm 0,46$	10,70 [9,47; 13,12]	7,7	17,1
HCV ЖЦ, n=32				
IL-10	$37,05 \pm 1,34^{***}$	37,25 [31,15; 42,0]	21,9	49,1


Изоҳ: * - назорат гуруҳ маълумотлари билан таққослаганда ишончли фарқ.
(* - $p < 0,05$, ** - $p < 0,01$, *** - $p < 0,001$). Me – медиана, Q1(процентил) – 25%, Q3 (процентил) – 75%.

6-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра HCV этиологияли ЖЦ билан хасталанганларда яллиғланишга қарши цитокини IL-10 нинг қон зардобдаги миқдори назорат гуруҳидагиларга нисбатан 3,3 баробар юқори миқдори аниқланди. IL-10 цитокинининг беморларда қон зардобдаги миқдори ўртача $37,05 \pm 1,34$ пг/мл ни ташкил этди, индивидуал диапазон 21,9 дан 49,1 пг / мл гача бўлиб, назорат гуруҳида бу кўрсаткич қарама-қарши равишда $11,28 \pm 0,46$ пг / мл ни ташкил этди ($p < 0,001$).

